

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **636** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги «Йўл ҳўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4954-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги «2017-2018 йилларда ҳудудий автомобиль йўлларини ривожлантириш дастури тўғрисида» ПҚ-2775-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятларини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ-2776-сонли қарорларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 27 июнь,  
ПФ-5097-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 27 июндаги  
ПФ–5097-сонли Фармониға  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига  
киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сонли Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатидаги:

а) II бўлим қуйидаги мазмундаги 11-банд билан тўлдирилсин:

«11. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси».

б) VI бўлим қуйидаги мазмундаги 8- ва 9-бандлар билан тўлдирилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ««Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида» ПФ–4931-сонли Фармони 9-бандига мувофиқ «Ўзкоммунизат» агентлиги ва «Ўзавтойўл ДАК» сўзлари «Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги» ва «Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 февралдаги «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–804-сонли қарори:

а) 4-банди:

иккинчи хатбошидаги ««Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясининг халқаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўлларини сақлаш бўйича ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхоналари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг эксплуатация йўналишли ташкилотларининг» сўзларига алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Ўзйўлмашсервис» йўл-таъмирлаш корхонаси «Ўзавтойўл» ДАК» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг «Ўзйўлмашсервис» Илмий-ишлаб чиқариш экспериментал корхона унитар корхонаси» сўзларига алмаштирилсин;

б) 11-бандда «Молия вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзларига алмаштирилсин;

в) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 5-иловадаги:

номланиш қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Трансйўлқурилиш» давлат унитар корхонасининг  
фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги  
НИЗОМ»;**

1-банддаги «Трансйўлқурилиш» механизациялашган йўл қурилиши ва таъмирлаш ишларини бажариш бўйича ихтисослаштирилган давлат компанияси сўзлари «Трансйўлқурилиш» давлат унитар корхонаси — механизациялашган йўл қурилиши ва таъмирлаш ишларини бажариш бўйича ихтисослаштирилган компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Компания ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг қарорлари, буйруқлари ва фармойишлари, мазкур Низом ва Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширади»;

7-банднинг:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«йўл-қурилиш техникаси ва ускуналари комплекслари таркибида ихчам ҳудудий бўлинмаларни шакллантиради ва уларни тўловларни ундирмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг йўналишли эксплуатация корхоналари базалари ҳудудларида жойлаштиради»;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг «Ўзйўлмашсервис» Илмий-ишлаб чиқариш экспериментал корхона унитар корхонаси томонидан тўловлар ундирилмаган ҳолда тақдим этиладиган ишлаб чиқариш базасида йўл-қурилиш техникаси ва ускуналарига техник хизмат кўрсатишни амалга оширади»;

8-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда механизациялашган йўл-қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш тарифларини белгилайди».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 12 июндаги ««Қамчик» доводидан ўтадиган участкада «Тошкент — Ош» А-373 автомобил йўлини реконструкция қилиш» лойиҳасини Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-1773-сонли қарорнинг 3-, 7- ва 8-бандларидаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 августдаги «Автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш соҳасида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2580-сонли қарорининг:

3-банди тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта

махсус таълим вазирига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси раисига» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандда «Ўзавтойўл» АК» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг биринчи хатбошидаги «Молия вазирлиги ва «Ўзавтойўл» АК» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 октябрдаги «Давлатнинг улуши устувор бўлган акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–2635-сонли қарорининг:

а) 2-банднинг учинчи хатбошидаги ва 4-банддаги «ва «Ўзавтойўл» компанияси» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-илованинг 5-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 2-илованинг:

номланишидан «ва «Ўзавтойўл»компанияси» сўзлари чиқариб ташлансин;

ўн тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги «Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмонан уринган ва маънан эскирган ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ–2692-сонли қарорининг 1-, 2-, 3-, 4- ва 5-иловаларидаги «Ўзавтойўл» ДАК» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Инвестиция дастури тўғрисида» ПҚ–2697-сонли қарори 2-банди тўртинчи хатбоши ва 6-илованинг номланишидаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ–2699-сонли қарорининг:

а) 3-банди:

ўн саккизинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн тўққизинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 24-илованинг:

номланишидаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

III бўлимнинг «Йиғимлар ва ажратмалар турлари» устунисидаги «Ўзавтойўл» АЖ» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат кўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги «Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2724-сонли қарорининг 10-банди учинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 27 июндаги  
ПФ-5097-сонли Фармони  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини  
йўқотган айрим ҳужжатлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» ПФ-3846-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» ПФ-3858-сонли Фармони иловасининг 5-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» ПФ-4561-сонли Фармони 1-иловасининг 16-банди «в» кичик банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 мартдаги «Йўл-қурилиш ишлари ҳажми ва сифати устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари ҳамда 2006 йилда автомобиль йўллари қурилиши Дастурини тасдиқлаш тўғрисида» ПҚ-299-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги «Давлат активларига эга айрим йирик акциядорлик компаниялари Кенгашларининг таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» ПҚ-424-сонли қарори 1-иловасининг «Ўзавтойўл» ДАК» бўлими.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 октябрдаги «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-499-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 ноябрдаги ««Ўзавтойўл» Давлат-акциядорлик компанияси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-511-сонли қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-532-сонли қарори 30-илоvasи 1-банди ва 31-илоvasи 2-банди.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 декабрдаги «2007 — 2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-535-сонли қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида» ПҚ-714-сонли қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-744-сонли қарори 31-илоvasининг 2-банди.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-1024-сонли қарори 31-илоvasининг 3-банди.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-1245-сонли қарори 31-илоvasининг 4-банди.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-1449-сонли қарори 32-илоvasининг 4-банди.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-2455-сонли қарори 36-илоvasининг 3-банди.